# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 5 январь, № 2 (6437) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 2 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»**ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 9, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 январь
№ ЎРҚ—399

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида

(янги таҳрири)

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дори воситалари** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

**дори моддалари (субстанциялар)** — фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар;

**дори препаратлари** — дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўлланилиш учун тайёр дори воситалари;

**доривор ўсимлик хом ашёси** — дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун фойдаланиладиган, таркибида биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

**рецепт** — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси;

**сифатсиз дори воситаси ва тиббий буюм** — яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) яроқлилик муддати ўтган дори воситаси ва тиббий буюм;

(Давоми 2-бетда).

# ТИНЧЛИК НЕЪМАТИ, БАХТ ШУКРОНАСИ

Янги йил — янги эзгу орзу-умидлар билан қарши олинадиган айём. Шу боис ҳар ким байрам оқшомида қандайдир мўъжиза кутишга одатланган.

...Мана, ўшанга ҳам роппа-роса бир йил тўлди. Олмалиқлик ёш оила Розахон ва Умиджон Эштойлоқовлар 2015 йил кириб келишини шаҳар чеккасидаги бир хонали ижара уйда нишонлашганди. Йилнинг хосиятини қаранг, дилдан қилинган ниятлар ижобат бўлди: ҳудудда фойдаланишга топширилган кўп қаватли “Камолот” уйи хонадонларидан бири уларга насиб этди.

### ҒАМХЎРЛИК


Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугун мамлакатимизда чинакам бахт оғушидаги бундай оилалар жуда кўп. Негаки, уларни рағбатлантириш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларини янада яхшилаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шунга мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудида “Камолот” уйлари барпо қилиниб, ўз эгаларига топширилаётгани ана шу юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Хусусан, вилоятнинг Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларида кўркам ва замонавий кўринишга эга, 135 хонадондан иборат кўп қаватли уйлар бунёд этилди, реконструкция қилинди. Улар фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган ёш оилаларга тортиқ этилди. Эътиборли жиҳати, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, замонавий қурилиш материаллари асосида қурилган тураржойлар ўз соҳибларига йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида расмийлаштирилди. Турган гапки, бу уй-жойга эҳтиёжманд ёшлар учун жуда катта имкониятдир.

— Якунланган йил оиламиз учун қўша-қўша қувонч олиб келди, — дейди “Камолот” уйи бекаларидан бири, олмалиқлик Нилуфар Тиловова. — Мана, барча қулайликка эга уй-жойга кўчиб ўтдик. Минг шукрки, рўзғоримиз бут. Яқинда оиламизнинг чинакам бахти — қизимиз Дилрўзахон туғилди. Тинчлигимизга, бахтимизга кўз тегмасин. Бизга шундай ғамхўрликлар кўрсатаётган Президентимиз соғ-омон бўлсинлар.

Янги йилни янги уйларда кутиб олган минг-минглаб юртдошларимизнинг эзгу тилаги ана шундай.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Германияда бўлди

Бундестагнинг (ГФР парламенти) таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг делегацияси Германияда бўлди.

Ташриф доирасида Бундестаг, Бундесрат (ГФР давлат кенгаши) ва Бранденбург ландтаги (минтақавий қонунчилик органи) раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон вакиллари Германия парламентаризми, федерал ва ўлкалар даражасидаги вакиллик органлари фаолиятининг асосий тамойиллари ҳамда механизмлари, парламент назоратини амалга ошириш ва ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари билан ўзаро ҳамкорлиги, қонун ижодкорлиги ишларининг ташкил этилиши тажрибаси ҳамда қабул қилинаётган қонуний ҳужжатлар бажарилиши самарадорлигининг тизимли таҳлили ва баҳолари билан танишдилар.

Учрашув ҳамда музокаралар чоғида Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги парламентлараро муносабатларни кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан республикамизнинг замонавий тараққиёти, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти хусусидаги атрофлича маълумотлар тақдим этилиши баробарида, Германия билан конструктив ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқаларни ривожлантиришдан Ўзбекистоннинг манфаатдор эканлиги маълум қилинди.

Мамлакатимиз парламенти делегациясининг мазкур ташрифи Германия Федератив Республикасида юқори баҳоланди. Германия томони вакилларининг фикр билдиришларича, бу воқеа Ўзбекистоннинг жаҳондаги илғор тажрибани ўрганиш ва қўллаш асосида давлат бошқарувида парламент ролини янада оширишга бўлган содиқлигини яққол тасдиқлайди.

Жумладан, **Бундестагнинг “ГФР — Марказий Осиё” гуруҳи раиси Манфред ГРУНД** Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган салмоқли муваффақиятлар юқори баҳога сазовор эканлигини қайд этди.

— Ўзбекистон ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради, — деди М. Грунд. — Бу эса мамлакат тараққиётидаги ўта муҳим омил ҳисобланиши билан бирга, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг давом этаётганидан ҳамда халқаро ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон парламенти делегациясининг мазкур ташрифи ГФР федерал ва ўлка парламентлари порталларида атрофлича ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Келажакка мустаҳкам ишонч

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистон: жамоатчилик фикри — 2015” мавзуида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда юртимиз барча шаҳару қишлоқлари аҳолиси, турли соҳа, ёш ва миллат вакиллари, эркаклар ҳамда аёллар қатнашди.

### ИЖТИМОИЙ ФИКР

Мазкур тадқиқотда 2015 йил жамиятнинг барча соҳасини модернизация қилиш ва ислоҳ этиш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар самарали кечгани яна бир бор намоён бўлди. Фуқаролар ушбу давр мамлакатимиз ҳамда ҳар бир оила солномасида ёрқин из қолдирганини эътироф этдилар.

Ҳамюртларимизнинг қарийб 91 фоизи 2015 йил барқарор ва самарали ўтди, дея таъкидлаган. Респондентлар берган жавобларида жамиятдаги социал-иқтисодий ва сиёсий ҳолатдан қониқиш кайфияти ҳамда муҳити ҳукмрон, деган фикр ўзининг яққол ифодасини топди. Улар бундай ёндашувни, аввало, ҳаёт даражаси ва сифати яхшилангани, эртанги кунга бўлган ишончи ортгани билан изоҳладилар.

(Давоми 3-бетда).

### 14 январь — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## «Ўғлим билан фахрланаман»

### дейишмоқда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг ота-оналари

“Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!” Бу — фарзанди камолидан мамнун ота-оналар эътирофи, кўнгил туб-тубидан чиққан ғурур ва ифтихор ифодасидир. Президентимиз фармойишига биноан, Ватан ҳимоячилари куни олдидан жойларда “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида ўтказилаётган тадбирлар иштирокчилари қалбидан ҳам ана шундай ҳис-туйғулар кечаётгани, шубҳасиз. Зеро, эл-юрт тинчлиги — бебаҳо неъмат. Ана шу эзгу мақсад йўлида ғайрат-шижоатини аямаётган мард ва жасур ўғлонларимиз билан эса ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Оқолтин туманилик Бўстон опа Жавлонова Гулистон шаҳрида ташкил этилган “Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси” мавзуидаги видеомулоқотда Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида бурчини ўтаётган ўғли Асрор билан экран орқали дийдорлашиш имкониятига эга бўлди.

(Давоми 3-бетда).

### ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Унда ўтган 2015 йилда кўплаб соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам юксак муваффақиятларга эришилгани алоҳида эътироф этилди.

## Беқиёс ўзгаришлар, юксак натижалар

Хусусан, юртимизнинг миришкор деҳқон ва фермерлари, турли қийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчилик, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, ўтаётган ҳар бир кунимиз ўзгариш ва янгиликларга бой. Ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бораётир. Кўнглимизда эзгу орзу-ниятларимиз кўп. Бунёдкорлик завқи билан яшаяпмиз. Хўш, буларнинг барчаси ниманинг меваси? Аввало, юртимиздаги тинчлик ва осудалик, қолаверса, инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самарасидир!

Биргина фермерлик ҳаракатини олайлик. Бугун ер эгаси — мулк эгаси, ҳам деҳқон, ҳам тадбиркор. Иқтисодиётимиз ривожида ушбу соҳа вакилларининг улуши тобора ошиб бораяпти. Қолаверса, фермер хўжаликларида қанчадан-қанча инсонлар иш билан банд.

Хўш, бир пайтлар бундай имкониятлар бормиди? Собиқ тузум даврида ким учун, нима учун меҳнат қилаётганимизни билмасдик. Тонг отгандан то қош қорайгунича пайкал оралаб, косаси оқармаган, қора қозонини зўрға қайнатган заҳматкаш инсонлар ҳаётини эслашнинг ўзи оғир. Илгари деҳқон деганда, ҳамманинг кўз ўнгида кетмонини елкасига кўтарган энг хоксор инсон гавдаланарди. Шукрки, буларнинг барчаси ортда қолди. Истиқлолга эришдик. Турмуш тарзимиз, дунёқарашимиз ўзгарди. Бугунги деҳқон замонавий техника ва технология билан қуролланган, ҳисоб-китобни пухта билади. Менежерга, иқтисодчига, молиячига айландик.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида

(янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**тиббий буюмлар** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар;

**тиббий техника** — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини аниқлаш ҳамда ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ва мажмуалар;

**фармакологик воситалар** — муайян дори шаклига, клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси;

**фармацевтика фаолияти** — дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни реализация қилишни қамраб оладиган фаолият;

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари** — интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари;

**қалбакилаштирилган дори воситаси ва тиббий буюм** — таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган дори воситаси ва тиббий буюм.

### 4-модда. Давлатнинг аҳолини асосий дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш соҳасидаги кафолатлари

Давлат асосий дори воситалари, шунингдек тиббий буюмлар олиниши имкониятини ва уларнинг сифатини кафолатлайди.

## 2-боб. Давлат органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

### 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолияти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Асосий дори воситалари рўйхатидаги дори воситаларининг, шунингдек тиббий буюмларнинг давлат буюртмасини шакллантиради ва уларнинг давлат тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;

фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда имтиёзли берилишини таъминлайди;

дори воситалари ва тиббий буюмлар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

Давлат фармакопеясини тасдиқлайди ва чоп этади;

дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини, сифати назорат қилинишини, стандартлаштирилишини ва сертификатлаштирилишини амалга оширади;

тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни реализация қилиш, бериш, тақсимлаш, сақлаш ҳамда ҳисобга олиш тартибини, шунингдек этил спиртини реализация қилиш, бериш, сақлаш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилади;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг ишлаб чиқарилишини, тайёрланишини, импорт қилинишини, реализация қилинишини тўхтатиб туради. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиб туришга олиб келадиган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ишлаб чиқарилишини ва тайёрланишини тўхтатиб туриш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий таҳдид юзага келишининг олдини олиш муносабати билан дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилишини ҳамда тайёрланишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно) суд тартибида амалга оширилади;

фармакологик назоратни амалга оширади;

кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилига камида бир марта тасдиқлайди;

Асосий дори воситалари рўйхатини икки йилда камида бир марта ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

тегишли ҳудудда давлат даволаш-профилактика муассасаларини ва аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашда иштирок этади;

дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти масалалари бўйича аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника

### 8-модда. Давлат фармакопеяси

Давлат фармакопеяси дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш усулларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами бўлган расмий нашрдир.

Умумий фармакопея мақоласи дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг сифатига, доривор ўсимлик хом ашёсига, уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига, дори воситаларининг сифатини назорат қилишда фойдаланиладиган стандарт намуналарга, реактивларга, дори воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган жойлаш-ўраш материалларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Фармакопея мақоласи муайян дори воситасининг, тиббий буюмнинг, доривор ўсимлик хом ашёсининг, ёрдамчи модданинг сифатига доир талабларни белгилайди.

Умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва уларни Давлат фармакопеясига киритиш Фармакопея қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Фармакопея қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий эксперт органидир.

Давлат фармакопеяси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан беш йилда камида бир марта чоп этилади. Давлат фармакопеясининг қайта нашрлари оралиғидаги даврда Давлат фармакопеясига иловалар чоп этилади.

### 9-модда. Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг ёхуд тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник олди тадқиқотлари фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, биологик, микробиологик, фармакологик, токсикологик тадқиқотларни ҳамда бошқа тадқиқотларни назарда тутади.

Тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари тиббий буюмларнинг хавфсизлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, техник, биологик, микробиологик, токсикологик тадқиқотларни ва бошқа тадқиқотларни назарда тутади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг ёхуд тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш уларни ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда зарур моддий-техника базасига ва тадқиқотнинг тегишли соҳаси бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган илмий-тадқиқот муассасаларида, дори воситаларининг сифатини назорат қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда, олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда ўтказилиши мумкин.

### 10-модда. Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари хавфсизлик ва самарадорликни аниқлаш мақсадида уларнинг фармакологик хоссаларини, ножўя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш учун ўтказилади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари битта даволаш-профилактика муассасасида ёки кўп марказли клиник тадқиқот тарзида ягона баённома бўйича биттадан ортиқ даволаш-профилактика муассасасида ўтказилиши мумкин.

Одамда фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини тасдиқловчи клиник олди тадқиқотлар натижалари;

фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг қўлланилишидан эҳтимол тутилган ножўя таъсир хавфи кутилаётган ижобий таъсирдан анча паст бўлиши тўғрисидаги маълумотлар.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишга этика экспертизасининг мазкур тадқиқотларни ўтказиш этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисидаги хулосасисиз йўл қўйилмайди.

Фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқотида беморнинг иштироки унинг ёзма равишдаги розилиги билан ихтиёрий асосда амалга оширилади. Клиник тадқиқот раҳбари беморга ушбу тадқиқот усулининг аҳамияти, тадқиқотнинг моҳияти ва эҳтимол тутилган хавфи ҳақида батафсил тушунтириш бериши шарт. Бемор тадқиқотнинг исталган босқичида унда иштирок этишни рад қилишга ҳақли.

Фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқоти вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бемор иштирокида ўтказилган тақдирда тадқиқот бошланишидан олдин унинг ота-онасидан ёхуд бошқа қонуний вакилларидан ёзма равишда розилик олиниши керак.

Вояга етмаган беморлар иштирокидаги клиник тадқиқотдан олдин, қоида тариқасида, вояга етган беморларда клиник тадқиқот ўтказилган бўлиши керак.

Фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқоти бошланишидан олдин тадқиқотни ўтказаётган даволаш-профилактика муассасаси ёхуд тадқиқ этилаётган фармакологик воситани ёки дори воситасини тақдим этган юридик шахс беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигига доир суғурта шартномасини суғурталовчи билан тузиши шарт.

Жамият учун ёхуд фармакологик воситанинг ёки дори воситасининг клиник тадқиқотида иштирок этаётган беморнинг ҳаёти, соғлиғи учун таҳдид пайдо бўлган тақдирда клиник тадқиқот раҳбари клиник тадқиқотни тўхтатиши ва бу ҳақда тадқиқотни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини молиялаштириш тадқиқ этилаётган фармакологик воситаларни ёки дори воситаларини тақдим этган юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ёхуд қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби ва клиник тадқиқотлар ўтказиладиган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### 11-модда. Этика экспертизаси

Этика экспертизаси фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хулоса бериш мақсадида ўтказилади.

Этика экспертизаси жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Этика қўмитаси томонидан ўтказилади, унинг таркибига тиббиёт, илмий-тадқиқот ташкилотларининг, олий таълим муассасаларининг, оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритилади.

Этика қўмитаси тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### 12-модда. Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш

Дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг тиббиёт амалиётида қўлланилишига, қоида тариқасида, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин рухсат этилади.

Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак:

дори воситалари;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;

илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, лекин бошқача дори шаклларида, дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари;

тиббий буюмлар;

тиббий техника.

Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилади.

Таркибида турли дори моддалари бўлган дори воситаларини бир хилдаги савдо номи остида давлат рўйхатидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра амал қилиш муддати беш йил бўлган тегишли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгасининг зарур ҳужжатлар илова қилинган аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин уч ой ичида берилиши керак. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтгач дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга, агар улар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиши даврида ишлаб чиқарилган бўлса, рухсат этилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси дори воситасининг, тиббий буюмнинг ва тиббий техниканинг хавфсизлигига, сифатига ҳамда самарадорлигига тааллуқли янги маълумотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиши шарт.

### 13-модда. Фармакологик назорат

Фармакологик назорат дори воситасидан унинг қўлланилишига доир йўриқномага мувофиқ фойдаланилганда одамда кузатиладиган, организм учун бехосдан ва нохуш таъсир кўрсатадиган ножўя реакцияларни аниқлашга, баҳолашга ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир.

Даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва қўлловчи ташкилотлар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларининг қўлланилиши чоғида аниқланган ножўя реакцияларга баҳо беради, баҳолаш жараёнида ножўя реакциянинг клиник кўринишлари ва дори воситасининг қўлланилиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари, шунингдек кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбати аниқланади.

Кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбатининг ўзгаришига таъсир этувчи фактлар аниқланган тақдирда ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг вакиллари салбий оқибатларни бартараф этишга, одамнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишининг олдини олишга, бундай дори воситаларининг қўлланилишидан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши шарт.

Дори воситаси қўлланилганда дори воситасининг хавфсизлиги ва самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги тўғрисидаги далиллар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай дори воситасини муомаладан чиқариш ёки унинг қўлланилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

### 14-модда. Дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника тўғрисидаги ахборот ва дори воситаларининг рекламаси

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида, кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатида, Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатида, Асосий дори воситалари рўйхатида, шунингдек Тиббий буюмлар рўйхатида кўрсатилган ахборот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилиши мумкин.

Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилади.

Дори воситаларининг рекламаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 4-боб. Фармацевтика фаолияти

### 15-модда. Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари

Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;

дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;

доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

### 16-модда. Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш

Фармацевтика фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия даъвогарининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида

## (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**17-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, қоида тариқасида, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари янги фармакологик воситаларни излашни, кейинчалик уларнинг хоссаларини ўрганишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг таркибини ишлаб чиқишни, дори моддаларини (субстанцияларни) ва дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, белгиланган тартибда клиник олди тадқиқотларни ўтказишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

Тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тиббий буюмларнинг янги турларини излашни, кейинчалик уларнинг техник хусусиятларини ўрганишни, ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, тиббий буюмларнинг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

**18-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш, экспорт, илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар ва клиник тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматларга эга бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тамғалаш ҳамда жойлаш-ўраш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**19-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилардан, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан, шунингдек дори воситаларини ва тиббий буюмларни чет эллик ишлаб чиқарувчилардан ҳамда улгуржи реализация қилувчи ташкилотлардан харид қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона бинолари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона мудири фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш ҳамда улгуржи реализация қилиш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**20-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки тасдиқланган Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатига кўра рецептсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

**21-модда. Дорихона**

Дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради.

Дорихоналар санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқлантириш маҳсулотларини, маъданли сувларни, шунингдек даволаш-косметика маҳсулотларини, биологик фаол қўшимчаларни реализация қилишни уларнинг қўлланилиши ва реализация қилиниши учун тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши мумкин.

Дорихона мудири олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Дорихона филиалининг мудири фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, бериш, реализация қилиш қоидаларига ва уларнинг сифатини таъминловчи сақлаш шароитларига дорихоналар томонидан риоя этилиши керак.

Дорихоналар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бериши керак.

**22-модда. Дорихоналарда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш**

Дори воситалари дорихоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўлланилишига рухсат этилган дори моддаларидан (субстанциялардан) тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Тайёрлашга рухсат этилган дори воситалари рўйхатига киритилмаган дори воситаларини тайёрлаш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек уларни сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайдиган тартибда дорихоналар томонидан амалга оширилади.

**23-модда. Дори воситаларини, тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш**

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлашга рухсат берилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлаш ҳамда ташиш уларнинг хавфсизлиги, сифати ва бут сақланиши таъминланадиган шароитларда амалга оширилиши керак.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини реализация қилиш мақсадида сақлаш, ташиш тақиқланади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиб ташланиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни йўқ қилиб ташлаш уларнинг эгалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**5-боб. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш, олиб кириш ҳамда олиб чиқиш**

**24-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш, шу жумладан илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намойиш этиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади.

Орфан дори воситаларини импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилиши мумкин.

**25-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни қуйидаги ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда божхона расмийлаштирувисиз олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат берилади, агар улар:

мамлакатда бўлиш даврида жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарида яшаб турган беморни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида, даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган бўлса;

дипломатик ваколатхоналарнинг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган ёки унинг ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий дорилар қутичаси таркибига киритилган бўлса.

Халқаро илмий, маданий, спорт тадбирларининг иштирокчиларини ҳамда халқаро экспедицияларнинг иштирокчиларини даволаш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

**6-боб. Якунловчи қоидалар**

**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**27-модда. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

# Келажакка мустаҳкам ишонч

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизда мустаҳкам қарор топган тинчлик, хотиржамлик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамюртларимизнинг фаровон ва барқарор келажакка қаратилган некбинлигининг асосий таянчларидир.

Фуқароларнинг эътироф этишича, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ қилинган кенг кўламли чора-тадбирлардан кўзланган мақсадларга эришилди. Зеро, уларнинг 96,5 фоизи ёши улуғ инсонларнинг ижтимоий муҳофазаси ва эъзозу эҳтиром кўрсатишни янада кучайтириш бўйича олиб борилган ишларни юксак қадрлайди. Респондентлар 2015 йилда қариялар, уруш ва меҳнат фахрийларининг турмуши, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли ошганини қайд этдилар. Ўз навбатида, сўровда давлатимиз ва унинг раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда эътиборни нафақат ёши катталар, балки ёшлар, аёллар ҳам доимо ҳис этаётгани маълум бўлди.

Ижтимоий тадқиқот натижаларида Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат, ислоҳотлар йўналиши умумхалқ даражасида қўллаб-қувватланаётгани яна бир бор ўз инъикосини топди. Боиси, сўровда қатнашганларнинг 98,2 фоизи мамлакатимиздаги бугунги ижтимоий-сиёсий ҳолатни ижобий ва барқарор, дея таърифлаган.

Юртдошларимиз томонидан мамлакатимиз тараққиёти истиқболларига янада катта ишонч билдирилган. Буни Соғлом она ва бола йили сермаҳсул ва сермазмун бўлади, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда янада катта марраларга эришилади, тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва тўкинлик йилига айланади, деган жавоблар ҳам тасдиқлаб турибди.

Тадқиқотда 2015 йилдаги иқтисодий ривожланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулк, тадбиркорлар, фермерлар манфаатлари муҳофазасини янада кучайтириш бўйича олиб борилган ислоҳотлардан қониқиш даражаси барқарор ўсгани аён бўлди. Респондентлар инсоннинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, пенсионерлар, болалар, аёллар, ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси, тиббий хизмат ва таълим олиш имкониятларини таъминлаш даражасига юқори баҳо бердилар.

Ижтимоий фикр мониторингига кўра, фуқароларнинг ижро ҳокимияти фаолияти шаффофлиги, очиқлиги, ахборот олиш йўналишига оид муносабатларида ижобий ўзгаришларга эришилган. Хусусан, ҳар иккинчи респондент айтганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид ахборот очиқ ва ундан ҳар бир фуқаро бохабар бўлиши мумкин. Бу борада бошқача қарашга эга бўлганлар сони сезиларли даражада камайган.

Ўтаётган йилда аҳолининг моддий ҳолати ва ҳаёт сифати ошган, тураржой шароитлари яхшиланган. Уларнинг ишончи комилки, 2016 йилда ҳам оилаларнинг турмуш ободлиги янада юксалади. Узоқ вақт фойдаланишга мўлжалланган товарларга эга инсонлар сони кўпайиб бораётгани ҳам ҳаёт фаровонлигининг муҳим омили ҳисобланади. Фуқароларнинг қарийб 60 фоизи оиласида автомобиль, мутлақ катта қисми эса замонавий маиший техника, йўлдошли телевидение, мобиль телефон, телевизор, музлаткич ва бошқа шу каби буюмлар мавжудлигини билдирган. Сўров кундалик ҳаёт тарзини енгиллаштирувчи бу каби воситаларни олишга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатди. Буни республикамизнинг барча ҳудудида юқоридаги сингари маҳсулотларни харид қилиш суръатлари анча жадал эканлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Тадқиқот давомида аҳолининг ҳаёт сифати параметрларини янада яхшилашга бўлган интилишлари бўйича тенденциялар аниқланди. Бу борада зарур нарсалар ва буюмларни олишга бўлган ижтимоий-маиший ёндашув устувордир. Мазкур ўзгариш мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс ислоҳотлар барқарорлиги ва муваффақиятлари шарофатидандир.

Ижтимоий тадқиқот фуқаролар учун долзарб муаммоларни ўрганишга ҳам қаратилди. Бу борадаги вазият 2013-2014 йилларга нисбатан кўп жиҳатдан яхшиланган. Масалан, сўровда қатнашганларнинг 90 фоизидан зиёди улар ўзининг шахсий уйи ёки квартирасига эга эканлигини қайд этган. Якунига етаётган йилда ўз вақтида коммунал хизматлар тўловини тўлай олмаслик, давр талабига мос таълим олиш, маош, саломатлик, ҳуқуқларнинг бузилиши ёки чекланиши, сифатли яшаш шароити билан таъминланиш борасида муаммолари бор фуқаролар сони пасайган. Натижаларга кўра, олиб борилаётган ижтимоий сиёсат оддий одамлар манфаатларига ҳақиқатан ҳам жавоб беради.

Тадқиқот давомида “Фуқароларнинг ижтимоий кайфияти индекси” халқаро методикасига алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, аҳолининг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражаси юқори эканлиги аниқланди. Ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишидан муҳофазада эканлигини ҳис этувчи фуқаролар сони кўпайган.

Сўровда иштирок этганлар таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ўтган даврдаги изчил ривожланиши, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўси мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкам қарор топганини англатади. Респондентларнинг мутлақ катта қисми республикамизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви, хориж давлатлари билан турли соҳалардаги ҳамкорлик даражасига катта баҳо берди. Уларнинг 90 фоизидан зиёди жамиятда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни асраш борасида эришилган ютуқларни юксак қадрлашини қайд этди. Аҳоли Президентимизнинг узоқни ўйлаб олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати мана шундай бахт-саодатнинг кафолати, деб билади.

Хулоса ўрнида айтганда, 2015 йилги муваффақиятлар фуқароларимизни жорий йилда янги уфқлар сари рағбатлантириши шубҳасиз. Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши жамият томонидан 2016 йил мамлакатимиз тараққиётида юксак марралар қўлга киритиладиган даврга айланишининг кафолати сифатида қабул қилинди. Бинобарин, ўзбекистонликлар янги йил мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янада ислоҳ этиш ва демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш йили бўлишига мутлақ ишонишини алоҳида эътироф этдилар.

**«Ижтимоий фикр»**
**жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази**
**материаллари асосида**
**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

# «Ўғлим билан фахрланаман»

## дейишмоқда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг ота-оналари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Онахон ундан дастлаб “Хизматни яхши ўтаяпсанми?” деб сўради. Асрор бунга жавобан армия ҳақиқий чиниқиш ва тобланиш мактаби экани, шу билан бирга, ҳарбий қисмда аскарларга барча шарт-шароит яратилгани ҳақида тўлқинланиб гапириб берди. Бу сўзлар Бўстон опага чексиз қувонч бахш этди.

Айтиш жоизки, мазкур ўзига хос мулоқотда Қашқадарё вилоятида хизмат қилаётган сирдарёлик ҳамда Сирдарёда ўз йигитлик бурчини ўтаётган қашқадарёлик муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбирда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қуролли Кучларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги, осойишталигимиз қалқони бўлган миллий армиямизнинг мудофаа салоҳияти алоҳида таъкидланди.

— Болалигимдан аскарлик либосини кийишни орзу қилардим, — дейди Гулистонда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган қашқадарёлик оддий аскар Шербек Гулмуродов. — Ана шу мақсадга эришганимдан беҳад бахтиёрман. Чунки Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга эга бўлиш ҳар йигитнинг орзуси, айни пайтда муқаддас бурчи ҳамдир. Армияда мардлик, жасурлик бобида сабоқлар олиш баробарида, она-юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатим янада ошмоқда. Видеомулоқотда ана шулар ҳақида иштирокчиларга гапириб бердим. Ота-онамнинг бахтиёр чеҳрасини кўриб, уларнинг ишончини оқлаётганимдан қувондим.

Тадбирда намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТААССУРОТ**

Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган мамлакатда қут-барака, қувончли кунлар ва эзгу амаллар бардавом бўлади. Халқимиз истиқлол инъом этган ана шу бебаҳо неъматлар туфайли Янги йил байрамини ҳам кўтаринки кайфиятда нишонламоқда. Юртдошларимиз дилида шукроналик, бугунги фаровон ҳаётдан миннатдорлик ҳисси мужассам.

*Қайси шаҳар, туман ёки олис қишлоқ ҳудудига борманг, айём шукуҳини ҳис этасиз. Жойларда ўтказилаётган турли кўнгилочар тадбирлар, болажонларга аталган театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари турмушимиз ободлигининг яққол ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.*

*Ана шу шодиёналарнинг бевосита иштирокчисига айланиш, тарихий шаҳарларимизни зиёрат қилиш мақсадида мамлакатимизга кўплаб сайёҳлар ҳам ташриф буюраётир. “Халқ сўзи” мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, таассуротлари билан қизиқди.*



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# «Ўзбекистон — гўзал ва мафтункор мамлакат»

**Крис ван БАЙНДЕР** (Бельгия):

— Сафарим давомида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлдим. Байрамга бағишланган концерт дастурлари ўтказилаётган жойларни айланиб, завқландим. Ҳавасим келди. Биласизми, кўпроқ нима диққатимни тортди? Ҳамма оиласи билан биргаликда сайр қилиб юрибди. Жажжи ўғли ёки қизига хурсандчилик улашиш истагидаги ота-оналар уларга совға-саломлар олиб беришаяпти, аттракционга туширишмоқда. Биргаликда ўйнаб-кулиб, кўнгил ёзишаётир. Халқингизни “болажон”, дея бежиз таърифлашмаганига ушбу манзара орқали яна бир карра амин бўлдим. Умуман, одамларнинг юз-кўзидан ҳаётдан мамнунлик ҳисси яққол сезилади. Бу жуда муҳим жиҳат.

Юртингиз ҳар бир ҳудудининг бетакрор қиёфаси, ободлиги, тарихий обидалари алоҳида хотиралар қолдирди. Масалан, Бухородаги Лаби Ҳовуз, Арк, Минораи Калон каби кўп асрлик меъморий ансамбллар аждодларингиз ақлзаковати, бунёдкорлик салоҳиятидан сўзлайди. Уларни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида улкан саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини ана шу иншоотларнинг бугунги гўзал қиёфасидан ҳам билиш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, бағрикенг, самимий ва меҳмондўст Ўзбекистон аҳлига янги — 2016 йилда ҳам муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

**Лорета Бадиньо РИОС** (Испания):

— Касбим иқтисодчи бўлгани учун жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларни доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ўзбекистон тарихан қисқа даврда барча соҳада улкан ютуқларни қўлга киритиб, юксак салоҳиятли мамлакат эканини амалда исботлай олди. Айниқса, бутун дунёни мураккаб аҳволга солиб қўйган ва ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий инқироз шароитида ҳам мамлакатингизда иқтисодий барқарорлик таъминланаётгани халқаро миқёсда “ўзбек модели” дея эътироф этилаётган тараққиёт стратегияси нақадар пухта ҳамда ишончли эканининг яққол тасдиғидир. Интернет орқали танишганим биргина мана бу рақам фикримни тасдиқлайди: қаранг, кейинги 11 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Бундай натижага ҳамма ҳам эриша олмайди. Юқорида айтганимдек, бу узоқни кўзловчи сиёсат билан боғлиқ.

Мамлакатингизнинг бугунги кучқудратини шаҳару қишлоқларда қизғин давом этаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, кенг ҳамда равон йўллар, замонавий тураржой бинолари, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ҳам ифодалаб турибди. Саёҳатим давомида буларнинг ҳаммасига ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим.

Истагим, бахт ва омад сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Масаго КУРОХА** (Япония):

— Ўзбекистонни бағрикенг, тинчликпарвар, меҳмондўст юрт сифатида яхши биламан. Шарқ халқларига хос самимий муносабатнинг ёрқин намуналарини ҳам шу замин одамларида кўриш мумкин. Назаримда, бу ерга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимининг йил сайин ошиб бораётганига асосий сабаблардан бири айнан меҳмонга кўрсатиладиган чексиз ҳурмат ва эҳтиром туфайлидир.

Дарвоқе, Японияда “Ипак йўли рақслари” деган ансамбль фаолият юритади. Ана шу гуруҳ хореографиман. Биз юртингизда Бухоро, Хоразм ва Фарғона йўналишидаги бир нечта рақсни ўргандик. Энди уларни Япониядаги ўзбек санъати мухлисларига намойиш этиш ниятидамиз. Зеро, давлатларимиз ўртасида йўлга қўйилган дўстона муносабатлар маданият соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берапти. Биз бундан жуда ҳам хурсандмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ, Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

# Бекиёс ўзгаришлар, юксак натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, хайрли ишлар, аввало, эзгу ташаббусдан бошланади. Муваффақиятлар асоси эса аниқ мақсад сари қатъий интилишда! Шу маънода, фермерлик ҳаракати энди қулоч ёзаётган дастлабки пайтларда давлатимиз раҳбариятига ҳам, соҳа вакилларию биз, миришкорларга ҳам осон бўлгани йўқ. Масалан, Зарафшон дарёси ирмоғи — Қорадарё соҳилларидаги хўжалигимиз тасарруфидаги ерлар кучли шўрланган, тошлоқ, сизот сувлари замин сатҳига яқин жойлашган майдонлар эди. Боз устига, бу экинзорлар аҳоли яшаш манзилидан анча олисда бўлгани боис бир пайтлар, бор-йўғи, 8-10 центнердан пахта, 12-14 центнердан ғалла олинган холос. Ана шундай қолоқликка барҳам бериш мақсадида ўтган даврда давлатимиз томонидан қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги “2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори аграр тармоқ ривожида янги даврни бошлаб берди. Негаки, мазкур ҳужжатларга мувофиқ, республикамиз бўйича бир миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Узоқ йиллар қазилмай ётган зовурлар тозаланди, янги тармоқлар барпо этилди. Айтайлик, биргина бизнинг хўжалигимизда кейинги етти йил ичида ҳосилдорлик кескин кўтарилиб, ҳар гектар ердан 45-50 центнердан пахта, 90 центнерга етказиб ғалла етиштираяпмиз.

Ҳозир жамоамизда 25 киши иш билан банд. Даромадимиз ҳисобига моддий-техника базамизни йилдан-йилга мустаҳкамлаяпмиз. Комбайн, ҳайдов, чопиқ, юк ташувчи тракторлар, қисқаси, барча зарур техникаларга эгамиз. Бундан ташқари, Самарқандда ишлаб чиқарилаётган “ISUZU” русумли автобус харид қилиб, ҳудудимиздаги тўртта қишлоқни Каттақўрғон шаҳри билан боғловчи йўналишда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйдик.

Албатта, эътибор ва рағбат ютуқларимизга қанот бағишлайди. Янги-янги марралар сари руҳлантиради. Бугун юртимиз фермерлари давлатимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб фақат олға интилишмоқда. Мана, ўзим мисолимда айтай. Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Ўзбекистон Қаҳрамони деган олий унвонга лойиқ кўрилдим. Бу инсон омилига бўлган юксак эътибор ифодасидир. Айтинг, қачон деҳқон шундай эъзоз ва эътибор кўрган?! Фақат мустақиллик туфайлигина қаддимиз тикланди. Конституция куни арафасида мазкур мукофот тантанали равишда топширилди. Бу ҳаяжонли онларни сўз билан ифодалаш қийин.

Албатта, бу Президентимизнинг биз, фермерларга билдирган юксак ишончидир. Буни Янги йил табригини тинглаб, дилдан ҳис қилдик. Энди ана шу ишончни оқлаш, қолаверса, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қиламиз. Зеро, янги йилдан умидларимиз катта.

**Аваз ҲОСИЛОВ,**
**Каттақўрғон туманидаги кўп тармоқли «Ҳосил» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Спорт

*Хитойнинг Сяминь шаҳрида ўтказилган халқаро марафонда ҳамюртимиз Андрей Петров муваффақиятли иштирок этиб, жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ташкил этиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.*

## 2 соату 17 дақиқа 48 сония

Олимпиада йўлланмаси учун етарли бўлди

Ушбу мусобақада йигирма етти минг нафардан зиёд атлет қатнашганини инобатга олсак, баҳслар нақадар кескин ва муросасиз кечгани яққол ойдинлашади. Андрей белгиланган маррани 2 соату 17 дақиқа 48 сонияда босиб ўтди ва Олимпиада лицензияси меъёрини бажарди.

Шу тариқа XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига ўзбекистонлик спортчилар томонидан қўлга киритилган лицензиялар сони 51 тага етди.

## Ўсмирларимиз маҳорати

Қўл тўпи бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари Сингапур мезбонлик қилган Жануби-Шарқий Осиё чемпионатида совриндор бўлди.

Жумладан, қизлар терма жамоамиз мусобақада барча рақибини мағлубиятга учратиб олтин, ўсмирларимиз эса кумуш медаль билан тақдирланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Иқтидорли ёшларга туҳфа

Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Умумий қиймати 2 миллиард 946,5 миллион сўмга тенг бунёдкорлик ишлари ҳудуддаги “Дегрезқурилиш савдосаноат сервис” хусусий корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилди.

— 110 нафар ўғил-қизга санъатнинг етти йўналиши бўйича сабоқ бераяпмиз, — дейди мактаб директори Собиржон Азимов. — Янги бинога эга бўлишимиз билан машғулотлар самарадорлигини ошириш имконияти кенгайди. 200 ўринли томоша залида болалар концерт намойиш этишса, шинам хоналарда ҳар бир тарбияланувчи билан алоҳида машғулот олиб бориш мумкин.

**Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 27 ноябрдаги 141-мҳ-сон «Очиқ маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва қайта ишлаш регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2746 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 21 декабрдаги 27-мҳ, 106, 24, 10-сон «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-1 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 21 декабрдаги 107-сон «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-3 (2016 йил 31 мартдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 21 декабрдаги 108, 2015-35, 01/19-26/25-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-4 (2016 йил 31 мартдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги 389-мҳ-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-6 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги 390-мҳ-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-3 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги 391-мҳ-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-6 (2016 йил 1 июлдан кучга киради).**

8. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 60-Б-сон «Ёруғлик манбалари ва ёруғлик-техника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2747 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2015 йил 11 декабрдаги 697-сон «Мувофиқликни баҳолаш соҳасида ходим сифатида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассисларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2748 (2016 йил 31 мартдан кучга киради).**

10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 22 декабрдаги 59-қ/қ, 109-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатига ҳамда Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сони нисбатининг нормативларини белгилаш услубиётига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1288-3 (2015 йил 31 декабрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2636, 2014 йил 18 декабрь) ва «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2636-1, 2015 йил 8 январь) қарорлари.

**Адлия вазирининг 2015 йил 13 ноябрдаги 345-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2632, 2014 йил 9 декабрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 10 декабрдаги 362-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2411, 2013 йил 15 январь) ва «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2411-1, 2013 йил 12 июль) буйруқлари

**Адлия вазирининг 2015 йил 15 декабрдаги 373-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2036,31 | 1 Россия рубли | 38,62 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4145,84 | 1 Украина гривнаси | 117,35 |
| 1 Дания кронаси | 410,38 | 1 Малайзия ринггити | 651,81 |
| 1 БАА дирҳами | 766,80 | 1 Польша злотийси | 714,73 |
| 1 АҚШ доллари | 2816,47 | 1 СДР | 3902,86 |
| 1 Миср фунти | 359,70 | 1 Туркия лираси | 962,73 |
| 1 Исландия кронаси | 21,70 | 1 Швейцария франки | 2820,13 |
| 1 Канада доллари | 2028,13 | 1 евро | 3087,69 |
| 1 Хитой юани | 432,76 | 10 Жанубий Корея вони | 23,78 |
| | | 10 Япония иенаси | 235,51 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “Ахборот” информацион дастурлари сухандони
**Абдумўмин Абдумажидович ЎТБОСАРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ТАТУ ҳузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази жамоаси лаборатория мудири, техника фанлари номзоди
**Зафар Ёқубович РАҲИМЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автомобиль ва йўл хўжалиги корхоналари маркетинги кафедраси доценти Алишер Абдуллаевга онаси
**Марямхон ТЎЛАБАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Elektrtarmoqqurilish” АЖ жамоаси корхонанинг иқтисодий масалалар бўйича директори Зулхумор Усмоновага отаси
**Абдуманноп АБДУҒАНИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 899 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5